
Ўзбекистон туманида меҳнат зафарига эришаётган миришкорлар сафи кенгаймоқда

Ўзбекистон тумани - миришкор деҳқонлар, бунёдкор боғбонлар юрти.

Меҳнаткаш ва ҳалол, фидойи тумандошларимиз сахий заминдан пешона тери эвазига ризқ ундириб, эл-юрт дастурхони тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жорий йил ҳосили учун “оқ олтин” етиштирган миришкорларимиз ҳам айни кунларда бирин-кетин меҳнат зафарига эришмоқдалар.

Хусусан, тумандаги “Худоёрхон дастурхончи” ва “Жўраҳон Бузрукова” фермер хўжаликлари ҳам пахта сотиш шартномаси режасини бажардилар. “Худоёрхон дастурхончи” фермер хўжалигининг пахта майдонидан 39,7 тонна, “Жўраҳон Бузрукова” фермер хўжалигининг пахта майдонидан эса 23,9 тоннадан ортиқ пахта йиғиб-териб олинди, режалари ортиғи билан уддаланди.

Қулай об-ҳаво шароити, ишнинг тизимли асосда ташкил қилингани ва деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига далалардаги мўл ҳосил тўпланиши давом этмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-09-17 22:20:21